



УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 243 (19.619).

1986 йил 26 октябрь, якшанба

Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ Ким Ир Сен билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 24 октябрь кунин Кремлда Корея Меҳнат Партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен билан учрашди.

Иккала қардош партия

ва мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг батын масалалари муҳокама қилинди. Ҳозирги ҳалқаро вазиятнинг бир қанча энг зарур проблемалари ҳусусида фикрлашиб олинди.

Суҳбат самимийлик, дўст-

лик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди. Ким Ир Сен М. С. Горбачевга Корея Халқ Демократик Республикасида бориш ҳақида таклифнома топширди. Таклифнома миннатдорчилик билан қабул этилди.

(ТАСС).



Агросаноат комплекси меҳнаткашлари! Мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга! Далалар ва фермалар маҳсулдорлигини оширишнинг ишончли вазираси — интенсив технологияларни кенг қўллангиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 25 октябрь Чакирлиқларидан).

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— УЛУҒ ОКТЯБРГА!

1987 йил ҲИСОБИГА

Хива ғилма комбинати тўқувчиси, ёш коммунист Озод Худойберганонови ҳамкасблари яна бир меҳнат ғалабаси билан таъриқланди. Унинг шарофига Қизил байроқ кўтарилди...

Тўқувчи меҳнат календарига 1987 йил бошланди. Беш йилликни муддатидан олдин бажариш мажбурияти олиб ишлатган О. Худойберганонов 11 миң квадрат метр ғилма тўқишга эришди. Бу—қўзда тутилган қарийб 3 миң квадрат метр зид.

Сергайрат тўқувчи Саида Маширипова ҳам келтурсин йилнинг лавра ойн ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Вақтдан ўзиб ишлатганлар сифи кенгайиб борапти. 50 дан зид ишчи беш йилликни 3—4 йилда бажариш аҳди билан меҳнат қилляпти.

КПСС Марказий Комитетининг 25 октябрь Чакирлиқларидан руҳланган тўқувчи Азиза Бобожонова, ил йигирмичи Саида Бекнозова, Раҳима Богданова каби ишчилар йиллик планларини муддатидан олдин бажариш иштиғи билан меҳнат қилмоқдалар.

О. ИСМОИЛОВ.
Хоразм области.

„ОҚ ОЛТИН“ хирмониға

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориш тўғрисида шу йил 25 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,02	94,02	0,41	59,32
Тошкент	1,49	91,44	0,98	95,85
Наманган	1,30	80,85	1,21	68,33
Сурхондарё	1,51	80,61	1,00	82,91
Сирдарё	1,46	79,52	1,18	91,60
ҚАССР	1,29	76,07	0,84	53,25
Хоразм	1,21	72,59	0,69	37,02
Бухоро	0,75	67,51	0,11	12,92
Андижон	1,56	65,86	0,97	42,37
Жиззах	1,51	63,47	1,08	60,51
Самарқанд	1,13	60,45	0,47	34,03
Навотий	1,01	50,18	0,43	18,51
Қашқадарё	0,98	47,18	0,65	32,05

Республика бўйича: 1,25 72,08 0,80 55,25

Шу жумладан илгичка тоналан пахта:

Сурхондарё	2,47	128,85	2,00	151,28
Наманган	1,38	90,22	—	1,75
Навотий	2,17	80,08	0,52	3,98
Бухоро	1,65	64,73	—	—
Қашқадарё	1,31	41,98	2,04	40,71

Республика бўйича: 2,13 96,23 1,89 106,29

райони меҳнаткорлари айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар. Кеча бу ерда 60 та машинанинг ҳар бири билан ўртача 1,5 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ хом ашё териб олинди.

Облаstdаги Киров районида эса қолоқлиги йўл қўйилмоқда. Утган кунин бу ерда агрегатлар ишламади.

Хоразм
Хонқа районидаги «Победа» колхозини заршунослари йиллик пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Мавжуд 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,6 центнердан хирмон кўтарилди.

Хива районида пахтакорларга маънавий хизматини ахшиллаш мақсадида иккита кўча дуқон, 8 та автолавка ташкил этилди.

АНДИЖОН
Шу кунларда область дала-лариди пахтакорлар билан ён-ма-ён 110 миңдан зид шакарлик ҳашарчилар тер тўқимоларда. Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, бадини буюмлар фабрикаси, студентлар яхши ишламоқдалар.

Бу соҳада қолоқлар ҳам бор. Андижон ёр-мой комбинати, локомотив депоси вакиллари шулар жумласидандир. Улар ҳар кун киши бошига атиги 11—12 килограмдан пахта термоқдалар.

САМАРҚАНД
Самарқанд давлат педагогика институтини студентлари бошқарган район пахтакорларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Шу кунларда 1630 нафар йигит ва қиз «Памети Ленина», К. Маркс номи, Қўй бишев номи колхоз дала-ларида жавлон урмоқдалар. О. Хасанова, Ш. Сатов, Р. Усенова, А. Муродова каби студентлар теримда бошқаларга ўрнак бўлишляпти.

НАМАНГАН
Норин районидаги «Коммунизм» колхозини пахтакорлари ҳўжалик ҳисобидиға бригада пуаратининг иқтисодий афзаллигини амалда исботладилар. Масалан, коммунист Н. Мадамминов бошлик бригада эгона наряд асосида ишлаб, шакарликлар ёрдамидан бутунлай воз кечди. Бригада планини беш иш кунинда бажарди. Фақат пахта теримининг ўзандангина 20 миң сўм тежаб қолинди.

БУХОРО
Олот районидаги Навотий номи колхоздан Жумаберди Бокиев, Гиджовдан районидаги «Зарёфшон» колхозидан Зайниддин Раҳимов, Свердлов районидаги Хамза номи колхоздан Икром Толипов бошлик бригадалар талеба марсиа этиб кетмоқдалар. Улар бу йилги сўз таъминлигини мардос навор энгиб, ҳар гектар майдондан 32-37 центнердан ҳосил этиштирдилар.

Ким Ир Сен шарафига

КПСС Марказий Комитетини ва СССР Олий Совети Президиуми Катта Кремль саройида 24 октябрда Корея Меҳнат Партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен шарафига зияфат берди.

Зияфатда КХДР раҳбари билан бирга унга ҳамроҳлик

қилаётган партия ва давлат арбоблари ҳозир бўдилар. Совет томонидан М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рыжков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. В. Тализин, А. П. Вирюкова, А. Ф. Добрынин, М. В. Зиминян, В. А. Мелведев, Д. П.

Разумовский, И. В. Капитанов уртоқлар, бошқа расмий кишилар ҳозир бўдилар.

Самийлик, дўстона вазиятда утган зияфат чоғида М. С. Горбачев ва Ким Ир Сен уртоқлар нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва давомди қарсақлар билан кутиб олинди.

АНИК МАҚСАД, АМАЛИЙ НАТИЖА БЎЛСИН

Навотий область партия активи йиғилишидан

Область партия активи йиғилишида КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини III пленуми талаблари асосида идеология ишларининг самардорлигини янада ошириш юзасидан область партия ташкилотини олдинда турган вазифалар муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари А. С. Ефимов докладда, музокарада қатнашган нотикларнинг сўзларида жадаллаштириш, қайта қуриш, жамиятнинг янги сифат поғонасига кўтаришга эришишни тобора кучайиб бораётган инсон омилининг таъсирисидан, онгли, аниқ мақсадга қаратилган, гоёйи чиниққан омма ижодкорлигисиз тасаввур этиш қийинлиги алоҳида таъкидланди. Бинобарин, ўз навбатида уларнинг амалий ифодасини ҳам осонлик билан тасвирлаб бўлмайди. Чунки, яқин ўтмишда область ҳўжаликни юретишнинг социалистик нормалари, қадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принциплари жиддий бўлишлар билан бирга, идеология, сиёсий тарбиянинг ишда ҳам аниқгина нуқсонлар юз берди. Буни шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида ўзининг нолойиқ фойдалиги билан обрўсизланган раҳбар ходимлар вази-фазисидан озод этилиб, жинсий жавабгарликка тортилганлиги номенклатурадаги бир неча ҳодим КПСС сафидан учирилганлиги, 151 кишига эса партиявий жазолар берилганлиги ҳам аққол кўрсатиб турбиди.

Партия активи йиғилишида бугунги кунда областьда яқин пайтгача жуда кўп кишиларга хос бўлган хотиржаллик, эътиборсизлик ва принципсизлик ҳиссави йўқолиб бораётганлиги қайда этилди. Ишчилар, колхозчилар, техник ва ижодий ходимларнинг ташаббускорлиги, ижодкорлиги, ватанпарварлиги ва ишқоъи ўсиб бораётганлиги ўз самарасини кўрсатди бўлади. Областьда шу йилнинг ўтган 9 ойида 1985 йилнинг шу давридагига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 108,1 процентини, маҳсулотларини реализация қилишнинг ўсиши эса 111 процентини ташкил этди. Уй-жой қуриш суръати тезлашди. Аграр секторда ҳам бирмунча ижодий силжишлар рўй берди. Бироқ деб таъкидланди актив йиғилишида, бу ил ютуқлар хотиржалликка имкон бермаслиги керак. Областьда кейинги икки беш йилликда саноат

тармоғидаги ишлаб чиқаришнинг ўсишига интенсивлаштириш ҳисобига эмас, балки реконструкциялаш, ишлаб чиқаришнинг техникавий модернизациялаш, қўшмича қувватларни ишга тушириш тўғрисида эришилди. Электрохимия ва цемент заводларида ўн йилдан буён, «Навохазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида эса 20 йилдан буён айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича вазифадаги қувватларга эришилмапти. Маҳсулот сифатини ошириш юзасидан ҳам кўп иш қилиниши зарур.

Активда партия талабларига қарама-қарши бўлган бу ва бошқа камчиликларни учун обком секретари В. Коваленко, саноат, транспорт ва халқ истеъмоли моллари бўлими мудири В. Сукоев, Навотий шаҳар партия комитетини биринчи секретари А. Горноставлар кескин танқид қилинди. Чунки улар ҳозирчага фактларнинг қайда этиш билан чекланиб, амалий, сиёсий чора-тадбирлар қўришни пайсалга солиб келмоқдалар.

Умуман, область халқ ҳўжалигининг қайси бир участкасини олмаган, унинг ўрни республика бўйича орқаделигини кўриш мумкин. Прогрүүлари, иш вақтини йўқотиш, брак маҳсулотлар ишлаб чиқариш микдори, давлат мулкнинг талон-торож қилиш қўлими бўйича эса область кўп регионлардан олдинда туради. Булар кўп жиҳатдан экономикага партиявий раҳбарликдаги нуқсонлар, идеология ишларидиға муваффақиятсизликларнинг, айниқса, ҳар бир меҳнат коллектини, ишчи, мутахассис ва раҳбарини курашга руҳлантира олмаганининг оқибатлари натижасида рўй бермоқда. Шу кунларда пахтачилликда йўл қўйилган катта хатолар яна бир мисол бўла олади. Терим афрасидада область, район ва ҳўжаликларнинг раҳбарлари ҳосилини машинлар ёрдамида йиғиб олиш ҳақида кўп ваъдалар беришган эди. Бироқ амалда яна кўп кунча зўр берилмоқда. «Зангори кемалар» кўп ҳолларда ишлатилмапти, пахта тайёрлаш плани энди 50 процент бажарилди, холос.

Экономика — сиёсатнинг бир жойига жамланган ифодаси, демак идеологиянинг ҳам бир жойига тўпланган ифодаси ҳисобланади. Ҳўш, областьда бу ифоданинг аҳоли қай даражада! Докладчи, шунингдек музокарада қатнашган Хатирчи район партия комитети-

нинг биринчи секретари Ж. Ризаев, Навбахор район ижроия комитетининг раиси А. Аликулов, Қизилтепа районидаги «Москва» колхозининг меҳнаткорлари Т. Бобоназарова ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида идеология ишлари ҳали партия талабларига тўла жавоб бераётганлигини, у ақсарият ҳолларда ҳаётдан ўзбекча қолётганлигини конкрет фактлар асосида танқид қилдилар. Чунки, бу муҳим соҳада юзбекичилик, қўшмича ишчи иш услуби ҳали барҳам топгани йўқ. Шу боис актив йиғилишида область партия комитетининг секретари И. Саидхоновни, пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ж. Ориповни, шаҳар ва район партия комитетлари идеология ходимларини бу каби салбий фактлар учунлик ташвишлантирмаётганлиги ҳаққоний танқид қилинди.

Областнинг социал ҳаётида ҳам сўз ва иш бирлиги, жонқурлик ва ташаббус етishмапти. Актив йиғилишида ҳар бир кишига 482 сўмлик савдо хизмати, 18 сўм 37 тийинлик маънавий хизмат кўрсатилганлиги билан асло тоқат қилиб бўлмаслиги қатъий ўқтирилди. Шу билан бирга кўп шаҳар ва районларда социал-маданий объектларни қуриш планлари барбод берилмоқда.

Айни пайтда область кишлоқларида 150 та клуб ва маданият уйлари, 109 та типо-вай мактаб биноси етishмапти. Бироқ бу салбий фактлар партия ташкилотлари, халқ депутатлари Совети ижроия комитетлари, ҳўжалик раҳбарларини ташвишлантирмапти. Масалан, Навотий районидаги (район партия комитетининг биринчи секретари М. Холиқов, район Совети ижроия комитети раиси М. Бокиев) маданият саройи 7 йилдан буён қурилмоқда. У ҳалибери ишга тушмасе керак.

Докладда, шу билан бирга домдлик ўқитувчи Р. Ишбулдоқнинг нутқида мактаб ислохотини амалга ошириш қатъий таҳлилга муҳтожлиги, қўллаб ўқитувчилар ва педагогика коллективлари бу муҳим ишда фақат моддий жиҳатларини кўриб, ўқув жараёнига сифатини ошириш учун ҳеч қандай тадбир қўрмаётганлиги ҳақида қўйиниб гапирилди. Областьда ўқувчиларга рус

тилини ўргатиш масалалари жуда ўст. Область партия комитетининг фан ва олий ўқув юрлари бўлимида «Рус тили» комплекс программасини ишлаб чиқишга шу йил бошида киришилган эди. Афсуски, бу программа ҳали тўла тугалланмади.

Нотиклар партия ташкилотларининг гоёйи-сиёсий ишларини таҳлил этаркан, марксизм-ленинча таълим ва атеистик тарбиядаги камчиликларини очиб ташладилар. Бу соҳаларда ҳозир ҳам расмийчилик барҳам топмаган, деб тўғри баҳо берилди. Айниқса, бу камчиликлар Навбахор, Навотий, Қизилтепа районлари (район секретарлари Б. Ахмедов, С. Зокидов, М. Насруллаев) учун ҳосилдор. Нурот, Хатирчи, Томди район партия комитетларида бўлса, атеистик тарбияни юксалтириш учун ҳамма имкониятлардан самарали фойдаланилмапти. Диний ақидаларга бериш фот аянчи оқибатларга олиб келади. Худди ана шу иллатлар область ижроия комитетининг собиқ раиси У. Асадов, район партия комитетларининг собиқ секретарлари Н. Ҳикматов, Ф. Уринов, Тошкент политехника институтининг Навотийдаги филиали собиқ ректори О. Убайдуллаевларда лаганбардорлиги, порраҳрлик билан салбий фазилатларни вужудга келтиришга хизмат қилди.

Идеология ишини қайта қуришда оммавий ахборот восителари муҳим ўрин тутди. Афсуски, областьдаги газеталарга ҳозирча зарур таъсирчанликни, дадил ва новаторларча иш тутишни, ҳўжалик ва маданий қурилишнинг муҳим проблемаларини чуқур ва танқидий таҳлил этиш ҳусусиятлари етishмапти. Зарафшон шаҳар, Навбахор район партия комитетлари танқидий чиқишларга тўғри муносабатда бўлмаётди.

Область партия активи йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан конкрет қарор қабул қилди.

Партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қатнашди ва нутқ сўзлади.

А. ҚОҲЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

БИРДАМЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

СССРДАН ЖУНАБ КЕТДИ

Дания Бош министри Поуль Шлутер рафқаси билан 24 октябрь кунин СССРдан жўнаб кетди. У Совет ҳўкуматининг таклифига биноан расмий визит билан мамлакатимизга келган эди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Николай Андреевич Путилин СССР автомобиль саноати министри этиб тайинланди.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам 25 октябрь кунин республика шаҳар ва кишлоқларида Афғонистон билан бирдамлик кунига бағишлаб ўтказилган йиғилиш ва митингларда афғон халқининг империализм ва реакция кучларига қарши, Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилиш йўлида олиб бораётган адолатли курашини қизиган қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Тошкентда жамоатчилик йиғилиши бўлиб ўтди. Сўзга чиққан кишилар Совет Иттифоқи АДРда рўй бераётган демократик ўзгаришларни тўла-тўқис ва бегараз қўллаб-қувватлаётганлигини, уларни амалга оширишда ҳар томонлама ёрдам бераётганлигини айтдилар. Совет-афғон ҳамкорлиги мустаҳкам ва ишончли дўстлик ҳамада ўзаро ҳўрмат негизида қулатилиши керак. Афғонистондаги совет қўшинлари чекланган қисмларининг мамлакатдан

олиб чиқиб кетилаётганлиги айни Афғонистон теварагидаги вазиятни бартафат этиш мудоаосидан келиб чиқаётганлиги ўқтириб ўттиди. Ингилиш иштинорчилари социал адолат ва демократия принципларига асосланган жамият қуришда афғон халқига янги-янги муваффақиятлар тиладилар. Ингилишда АДРнинг Тошкентдаги бош консули вази фасини ижро этувчи Шох Залмай нутқ сўзлади. (ЎЗАТ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

25 октябрь кунин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида халқ ҳўжалиги ишларини яхшилатиш, Ўзбекистон ССРини иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда республиканинг 1986 йилги Давлат бюджетини бажарилишини таъминлаш чоралари ҳамда келаятган қиш даврида халқ ҳўжалиги ишларини ташкил этиш вазифалари қўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети уқтирдикки, КПСС Марказий Комитетини 1985 йил апрель Пленуми қўрсатмаларини, партия XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасида ўтказилган ишлар, партиянинг социал-иқтисодий тараққийоти жадаллаштириш йўлини амалга оширишда инсон омилини қучайтириш республика халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларида ижодий силжишларга эришишга имкон берди.

Утган тўққиз ой ичиди саноат маҳсулотининг ҳажмининг йиллик пландаги 4,8 процент ўрнига 6,6 процент ортиди, пландан ташқари 292,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Меҳнат унумдорлиги 4,4 процент кўпайди. Саноат маҳсулотининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш, фойдали қўлайтириш ва танхавларни арзонлаштириш планлари ошириб бажарилди. Республиканинг аграр саноат комплексида чорва мол, парранда, сўт, туҳум ҳарид қилиш ҳамма утган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайди.

Аҳоли турмуш даражасининг янада ошмиш таъминланди. Чакана товар обороти ва аҳолига халқ тўланадиган хизмат ҳажмлари кўпайди. Уй-жой ва коммунал ҳўжалик, халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш ишлари янада ривож топди. Халқ ҳўжалигини 1986 йилги кўз-қиш даврига тайёрлаш иши бултурғига нисбатан уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида таъкидлаб айтилдики, республика халқ ҳўжалигининг интенсивлаш изига ўтиш етарлиқ тез суръатлар билан бормайди, янгилик эскилик билан айна-ён турибди, чунончи, эскилик секин чекиммоқда. Бир қанча министрликлар, идоралар, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг йилнинг биринчи ярмидаги иш янгулари бўйича чиқарган қароридиға танқиддан тегишли хулосалар чиқариб олмадилар, республика экономикасини ривожлантиришдаги камчиликларини тугаллаш юзасидан тегишли чоре-

ларни кўрмадилар. Бошланган қайта қуриш ўзйўлчиликка ташлаб қўйилган, аслида унга қўлгина меҳнат коллективлари қўли қўйилган йўқ, ишлаб чиқаришнинг танг жойларини бартафат этишда, халқ ҳўжалик комплекси барча бўғинлари жўшқин ишларини таъминлашда тегишли қатъий қўрсатилмапти.

Айрим раҳбарларнинг сустқалиги, хотиржаллиги, давлат ва план иттизомининг бўшлиғи, илгари эришилган ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб кетганлиги сентябрь ва умуман учинчи квартал топшириқлари бажарилишмаслиғига олиб келди. Тўққиз ойи мобайнида умуман ижодий натижаларга эришилган ҳолларда плани уқудай олмаган қорхоналар сонини кўпайди. Республика Давлат аграр саноат комитетини (Антонов, Курбонов ўртоқлар), Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигини (ўртоқ Саймазов), республика Бинокорлик материаллари саноати министрлигини (ўртоқ Исаев), республика Маҳаллий саноат министрлигини (ўртоқ Исмаилов) системасида бундай қорхоналар, айниқса, кўп бўлишига таъсир қилганлиги билан, партия XXVII съездининг қарорларини бажарилиш борасидаги энг муҳим ҳўжжатлари тақозо этган қайта қуриш бу тармоқда ҳали бошланган йўқ.

Мажлисда қўпгина бирлашмалар, қорхоналар ва ташкилотларнинг моллиа иттизоми бўлишиб кетганлиғига раҳбарларнинг эътибори жалб қилинди. Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотларини министрлигини системасининг ўзидиға 18 та қорхона маҳсулот танхавини бўйича 4,1 миллион сўм ортиқча сарф бўлишига йўл қўйди. Бир қанча министрликлар ва идораларнинг қатъийгина ободил маблағларни плансиз турли эҳтиёжларга сарфланган. Халқ ҳўжалик комплексини қиш мавсумида ишлашга тайёрлашнинг қўпгина масалалари ҳал этилмай турибди: қозонхоналар, иссиқлик тармоқлари ва уй-жой фонднинг капитал ремонтини битган эмас, резерв ёқилиш пухта ғамлаб қўйилмаган жойлар ҳам бор.

Ў

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

САМАРАДОРЛИК САРИ ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

СУРХОНДАРЁ

Давр партия ва совет халқи олдида ўзининг улғуворлиги жиҳатидан гоҳ муҳим ва кенг қамровли, янги ва эффарларни қўлдан келиб қўйди. КПСС XXVII съезди таъкидлаганидек, замон тақозо этаётган бу улкан вазибаларни ҳаётнинг бутун соҳаларини, кишилар онги ва тафаккурини қайта қурмай туриб, партиянинг жадаллаштириш ҳақидаги сиёсатини дадил ва илҳом амалга оширмай туриб бажариш мумкин эмас. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорлари асосида идеология ишлари самарадорлигини янада ошириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама этган Сурхондарё област партия комитети пленуми иштирокчиларининг бутун диққат эътибори ана шунга қаратилди.

Область саноат корхоналари коллективлари тўққиз ойлик плани мўддайдан олдин бажардилар, 61 корхона барча кўрсаткичлар бўйича пландарини урдалади. — Бироқ, — деди пленумда доклад қилган област партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Марасулов, — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумида таъкидланган ҳаётлар — экономика ҳақидаги қилишдаги бузилишлар, оммавий равишда қўшиб ёзишлар, порахўрлик, кадрлар танлаш ва тарбиялашдаги ленинча принципларнинг бузилишлари Сурхондарё област партия ташкилотлари фаолиятига ҳам тўла тааллуқлидир.

Шу сабабли капитал қурилиш ишлари энг қўлоқ участка бўлиб, социал-иқтисодий ривожланишга тўғривор бўлган. Асосий фондларни янги тузиш, қайта таллабларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари тўққиз ойлик плани бажарилди. 10 та қурилиш трестидан 7 таси, қурилиш бажармалари ва кўча механизациялашган колонналарнинг учдан бир қисми белгиланган пландарини бажармади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бу соҳа-

да сезиларли силжиш рўй бермапти. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойлик якуни идеология ишларининг етарли самара бермаётганлигини кўзгудагидек аниқ эттириб турибди. Область планида тайёрлаш планини бажармади, давлатда пландаги 872 тонна сутни етказиб бермади. Узум, ҳўл мева, поллиз маҳсулотлари сотиш пландарини ўлда-ўлда.

Докладчи ва пленумда сўзга чиққан нотиклардан Денов шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Рустамов, Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати ишчиси М. Урозов ва ўртоқлар идеология ишларининг кўпича турмушдан ажраллиб қолган ҳолларини фактлар билан кўрсатдилар. Масалан, шу йилнинг ўтган даври мобайлида 2 мингдан ортиқ лекция ўқилиб, юзлаб суҳбатлар ва бошқа тадбирлар ўтказилган бўлса-да, жойларда ҳўжасизлик, кераксиз харажатлар, иш кўчининг беқор ўтиши, прогудлар камийиш ўрнига олиб бормоқда. Бу ҳўл экономикага катта зиён етказмоқда. Саноатда иш кўни йўқотилиши 31 процентга кўпайди, қурилишда 12 минг киши-кўни йўқотилиб, шу ҳисобдан 700 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмай қолди.

Нотиклар област агро-саноат комитети (раиси Х. Шарофитдинов), област матбуот жамияти (правление) раиси Э. Холиқов) системасида қайта қуриш, жадаллаштириш ишлари жуда сўст амалга оширилаётганлигини, сиёсий-тарбиявий ва идеология ишлари унутиб қўйилганлигини қаттиқ таъкид қилдилар. Область агро-саноат комитети шу йилнинг ўтган 9 ойи ичиде ҳар лагга 3 мингдан зиёд ҳар хил кўргама ва директивалар йўллаган. Ени ҳар кўни 11—12 та ҳўжжат жойларга юборилиб, уларга жавоб талаб этилган.

— Олтинсой районидеги аҳвол бундан ҳам ачинарли, деб кўрсатишди музокарада сўзга чиққан област «Ленин байроғи» газетаси редак-

тори С. Жўрақулов, област комсомол комитетининг биринчи секретари Р. Боборахматов, Райком қабул этаётган қарорлар кон-крет эмас. Қарорларнинг ба-жарилиши назорат қилин-майди. Райком бошланғич партия ва комсомол ташки-лотларини идеология иши форма ва методларини тако-миллаштиришга сафарбар этмапти. Райкомнинг би-ринчи секретари А. Тўрақулов газеталарнинг таъкид қилишларини жуда ог-риниб қабул қилади. Тан-қиддан тегишли ҳўлоса чи-қармапти.

Районда идеология кадр-лари танлашда ленинча принциплар қўлоқ равишда бузилган. Натикда райком ва унинг идеология ходим-лари ҳақон бир ёқлама иш-тумоқдалар. Улар ҳато ва камчиликларини тан олиб, уни тузатиш ўрнига конкрет амалий ишлардан ажраллиб қолганларини кўпича ҳама иш жойида деб кўрсатиб, камчиликларини яширишга уринмоқдалар, дабдабозлик ва сафсатабозлик вази-ятини юзата келтиришни да-вом эттиришлар. Меҳнат-кашларнинг соғлом танқидий фикрлари, тақлиф ва муло-ҳазаларини қўллаб-қувват-ламаптилар.

Социалистик мусобақани ташкил этишда ҳам расми-йлик ҳўкм сурмоқда. Жўрақулов районидеги йи-гурув-тўқув фабрикаси иш-чилари ҳатто ўз зиммалари-га олган мажбуриятларини ҳам билмайдилар. Нотиклар техникхўрлар ва арақхўр-ларга нисбатан етарли зарба берилмаётганлигини таъ-кид қилдилар. Шу йилнинг ў-тган тўққиз ойида жамоат жойларда 2407 нафар мас-тад киши ҳисобга олинди. Булардан 69 нафари КПСС ва ВЛКСМ аъзолари экан-лиги жуда таъкидланганли-ди.

Денов районидеги кейинги икки йилда 12 нафар раҳ-бар ходим лавозимидан бў-шатилди. Бироқ «Ғалаба учун» район газетасида бу-ларнинг бирортаси ҳақида ҳам материал берилмади. Районда йўл қўйилган кў-зўбамчилик, ўғирлик, қўшиб ёзиш, порахўрлик ва бошқа ҳатолар ҳақида ҳам газета-да камдан-кам материал бе-рилди. Афтидан, шаҳар пар-

тия комитети секретарлари «Ғалабада» шундай сўку-т сақланаётганга ўхшайди. Бундай нуқсонларга Ленин йўли, Ангор ва Шўрчи рай-комлари ҳам йўл қўймоқда-лар.

Сўзга чиққан пленум қат-нашчилардан Термиз шаҳ-ридаги Ибн Сино номи мак-таб ўқитувчиси Е. Клеми-ков, област соғлиқни сақ-лаш бўлими мудир М. Нур-матов, Ленин йўли район ижроия комитети раиси Ч. Хўдоев ва бошқалар ке-йинги вақтларда атеистик пропагандининг ўз ҳўлига ташлаб қўйилганлигини очиб ташладилар. Сўнгги икки йилда диндорлар тузоғига илгинган, эътиқодсиз комму-нистлардан бир қанчаси қат-тиқ жазоланди. Булардан кўпчилиги раҳбар ходимлар-дир. Диний маросимларда қатнашган, ҳўрофот ақида-ларига риоя этиш раҳбар хо-димлар лавозимидан четла-тирилди.

Денов шаҳар партия ко-митети, Ангор, Олтинсой, Шеробод район партия ко-митетларининг пленумлари-да, партия активларида ате-истик пропагандини яхши-лаш масалалари бир неча бор қўрилган бўлса-да, ва-зият заррача ўзгармади. Шўрчи районидеги Музаф-фархон Рашидов деган мак-кор 1983—85 йилларда бир вақтнинг ўида уч вазифини бажарган: Денов маичи кенгашининг раиси, магазин мудир бўлиб ишлаган ва Гагарин районидан план-етисод техникумида ҳам ўқиган. Диндорларнинг тур-ли маросимлари ва йи-ғилишларини ўтказган. Са-вол туғилади: наҳотки, Шўр-чи райкомидеги ўртоқлар бундан беҳабар бўлсалар?!

Пленум қатнашчилари партия ташкилотлари идео-логия ишдаги турғунлик ҳў-латини тугатиш, қайта қу-риш борасида ҳўжумкорлик билан иш олиб бориш, ко-мунистлик ахлоқ, ҳалолилик, виждонийлик, коллективизм, талабчанлик, одийлик ва камтарлиқни, социал адо-латини қарор топтириш учун конкрет тадбирларни иш-лаб чиқишлари ва қатъий билан амалга оширишлари зарурлигини таъкидлади-лар.

Пленум ишда Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко қатнашди ва нутқ сўзлади.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони»
мухбири.

Қашқадарё областидеги узоқ йиллар давомида носоглом муҳит вужудга келганди. Дабдабозлик, манманс-раш, ҳизмат вазирасини су-иестемол қилиш, қўшиб ёзиш, кадрларни илҳимчи ра ахлоқий сифатларига қа-раб эмас, балки шахсий са-доқатларига қараб танлаш аниқ олди. Кўп кишилар та-нақид учун қўғини қилишлар-дир. Бир қатор раҳбар ходимлар-да гоийиб беқарорлик ва ахлоқий бузилишлар содир бўлди. Ана шундай шароит-да қўй идеология ташкило-лар ва уларнинг ходимлар-бундай ярамас ҳўлларга нис-батан муросеволик қилиб, ўткир проблемаларни чет-лаб ўтдилар. Партия ишига ҳиёнат қилган кишиларнинг ҳаёисаларча мақталишига йўл қўйилди. Область пар-тия комитетининг кеча бўлиб ўтган пленумида бундай но-соғлом вазиат қаттиқ қоран-ланди. Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитети-нинг XVI пленумидан сўнг иллатларга, ҳато ва камчи-ликларга қарши бошланган курашни изчид давом этти-риш лозимлиги таъкидлан-ди. Пленумда област пар-тия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туропов «КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми талаблари асо-сида идеология ишларини са-марадорлигини янада оши-риш юзасидан партия таш-килотларининг вазибалари» ҳақида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиклар қай-д этганларидеги ўтмишда содир бўлган салбий ҳўлатлар таъ-сири ҳўзир ҳам кишилар он-ида сезилиб турибди. Бу эса ҳақон областнинг иқти-содий, ахлоқий-сиёсий ҳаё-тига зиён етказмоқда. Одам-ларнинг онгини ўзгартириш, маънавий-психологик муҳит-ни соғломлаштириш, ижтимо-ий ҳаётнинг ҳамма томонла-рида ўзгартиш ясаш зарур.

Пленумда областнинг иқ-тисодий кўрсаткичлари ҳў-кур таҳлил қилинди. Саноат ишлаб чиқаришда ўзгартиш бўлмапти. Маҳсулот ишлаб чиқариш камийиб кет-ди. Капитал қурилишда асо-сий фондлардан фойдаланиш 9 ойлик плани 83 процент қилиб бажарилди, ҳўлос. 6,8 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қол-

КАШҚАДАРЁ

ганлиги билан сира келишиб бўлмапти.

Қишлоқ хўжалигида ҳам таъкидланган аҳвол озо бермоқ-да. Сарфланган капитал ма-блағлар ўз самарасини бер-мапти. Чорвачилик маҳсу-лотлари тайёрлаш 9 ойлик плани бажарилмади. Гушт тайёрлаш плани 73 процент-да, сўт 50 процентда қўлиб кетди. Панда белгиланган-дан 7,7 миллион донга туҳум кам топирилди.

Областда пахта тайёрлаш сўст бормоқда. Мавжуд ре-зерв ва имкониятлардан са-марали фойдаланмапти. Ҳали ҳам антихемизатор-лик кайфияти ҳўкмрон. Бун-дай аҳвол айнича Баҳорис-тон, Косон, Муборак, У. Юсупов районларида содир бўл-ляпти. Шаҳарлик ҳашарчи-лар ёлпасига далага қиққан бир пайтда меҳнатга лаёқат-ли 15 минг колхозчи ва совхоз ишчилари пахта йи-ғим-теримда қатнашмай қўй-дилар.

Кейинги йилларда жойлар-да пропаганда ва агитация ишлари анча жонланди, лек-ция ва суҳбатлар ўтказил-ляпти. Бироқ бу ишлар дуруст самара бермаптир. Ҳўжасиз-лик, меҳнат илҳимини бу-зиш, ташкилий-тарбиявий иш-лардаги расмиётчилик, айрим мансабдор шахсларнинг су-иестемолликлари, иш ўрнига сафсатабозлик ва насихатгўй-ликдан иборат яросиз иш услублари ҳақон кўзга таш-ланмоқда.

Пленум қатнашчилари иде-ология ишларни қайта қуриш-га киришмаётган, ҳўжаликка партиявий раҳбарлиқда жи-дий нуқсонларга йўл қўй-ётган партия раҳбар ходимла-рини қаттиқ танқид қилдилар. Баҳористон район партия ко-митетининг биринчи секре-тари Э. Бойназаров ва рай-он ижроия комитетининг ра-иси А. Абдиев топирилган иш-ни бажариб бормоқдалар. Ташкилий-тарбиявий, о-ммавий-сиёсий ишлар ўз ҳў-лига ташлаб қўйилганлиги са-бабли деҳқончилик ва чорва-чилик маҳсулотлари тайёр-лаш пландарни қўнчарисиз бажарилмоқда. Я. Никитин уч йилдан бери Шаҳрисабз район партия комитетининг

биринчи секретари бўлиб иш-ламоқда. Лекин кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда қаттиқ та-лабчанлигини таъминлаётган-лиги пленумда таъкид қи-линди. Косон, У. Юсупов, Му-борак, Қашаиш, Чироқчи рай-он партия комитетлари (би-ринчи секретарлари И. Бе-кматов, З. Қодиров, С. Ибро-ҳимов, З. Бегимқулов, А. Бо-зоров) фаолиятида ҳам ма-на шундай нуқсонлар рўй бер-ляпти.

Музокарада сўзга чиққан Шаҳрисабз шаҳар партия ко-митетининг биринчи секре-тари Ш. Мансурова, «Карши-стройиндустрия» бирлаш-маси партия комитети секре-тари Р. Қодирлиев, Ғўзор рай-онидеги «Дружба» совхоз со-вет соғувчиси Х. Қашқоров, «Қашқадарьинская правда» газетасининг редактори В. Соснин, област комсомол комитетининг биринчи сек-ретари М. Саидмуродова ва бошқа нотиклар аниқ мисол-лар асосида жойларда о-ммавий-сиёсий, тарбиявий иш-ларда сўсаби кетганлигини қаттиқ танқид қилдилар.

Социалистик мусобақа о-манинг ижодий активлигини оширишнинг муҳим воситаси-дир. «Шўртонгаз» бирлаш-маси коллектив ўн иккинчи беш йилликнинг икки йил-лик планини Улўр Октябр-нинг 70 йиллиги кўнига бажа-риш ташаббуси билан чиқди. Бироқ бу йратили ҳарақат кенг қўлоқ ёйдирилмади. Деҳқонобод районидеги Х. Олимжон номи совхозда ва бошқа хўжаликларда со-циалистик мусобақага рас-миятчилик билан қарамойда-лар. Бу хўжаликнинг «Хўр-мат тахтаси»да 8 йил олдин қўйилган фотосуратлар ҳа-қон янгилашмаптир. Район партия комитетининг би-ринчи секретари М. Норбоев бундай аҳвол билан муро-са қилиб келмоқда. Мусобақани эътибор берилмаётгани са-бабли район маҳсулот ишлаб чиқаришда областда кейинги ўрнларда сўралиб қол-ляпти.

Пленумда партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таъ-лим системаси фаолиятини тубдан қайта қуриш зару-рини таъкидланди. Область пар-тия комитети сиёсий ма-ориф уйи ҳўзурдаги маркс-изм-ленинизм университети машғулотларига партия, ҳў-жалик раҳбарлари актив қат-нашмаётганлар. Ана шу са-бабли 42 тингловчи универ-си-

тетдан чиқарилди. Уларнинг 16 нафари коммунистлардир. Улар орасида област дав-лат таъминоти идораси бош-лиги Бўдоқ, Қарши вагон де-поси бошлиги Цой, темир йўл ишчилар таъминоти бў-лимнинг бошлиги Муродов, Қарши стоматология поли-клиникаси бош врач Тўрақу-лов ва бошқалар бор.

— Бошланғич партия таш-килотидеги рўйхатда 59 на-фар агитатор қайд қилинган, — деди музокарада сўзга чиққан Муборак газети қайта ишлаш заводи оператори О. Сибирева. — Бироқ биз уларнинг суҳбат уюштири-лини билмаймиз. Ақор бун-дай расмиётчилик ҳақон ба-ҳам топади?

Пленумда оммавий-сиё-сий ишларда, шунингдек ма-даният ва маориф, спорт иш-ларида рўй бераётган бу-дай расмиётчилик ва кўзбў-ямчиликлар, жикий нуқсон-ларни тезда тугатиш зару-рини таъкидланди. Областда-ги энг йирик олий ўқув юр-ти — Қарши давлат педаго-гика институтида носоглом муҳит вужудга келганли-ги, бу ерда ишни қайта қуришга киришилмаётгани алоҳида таъкидланди. Партия ко-митетлари матбуот органола-рининг самарали ва таъсирчан қиқидан етарли фойдалан-маётганлар Пленумда област газеталари редакциялари, матбуотга партиявий раҳбар-лиқни таъминлаётган Деҳқонобод, Муборак, Чироқ-чи район партия комитетла-ри адресларига жикий эъ-тирозлар билдирилди.

Кейинги йилларда областда атеистик тарбия сўсаптириб юборилганлиги ҳўнук оқна-ларга олиб келмоқда. Шаҳ-рисабз районидеги Калинин номи совхоз директори Да-вронов, бошланғич партия ташкилотли секретари Шар-иповлар диндорларнинг э-ркин фаолиятига имконият яратиб бердилар. Область партия комитети бу қилиш-лари учун уларга қаттиқ и-говор берди. Чироқчи, Мубо-рак, Деҳқонобод, Баҳористон район партия ташкилотла-ри да ҳам атеистик тарбия би-лан етарли шуғулланилма-ляпти.

Область партия комитети-нинг пленуми муҳокама этил-ган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдулов қат-нашди ва нутқ сўзлади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони»
мухбири.

• БУГУН—АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАМИША ИЗЛАНИШДА

Косонсой, Катта Андижон сув омборлари, Катта Ан-дижон канал, Қорандарё дюкери... Каримбой Абдураҳи-мов меҳнат қилган йирик объектларнинг асосийлари ана шулар. У йигирма тўрт йилдирки, машина бошқаради. Йирик объекتلарга қурилиш материаллари ташийди, за-рур халқ хўжалиги юкларини манзилларга вақтида ет-казиб беради.

Яқинда у шонли ишлари-га яраша муносиб тақдир-ланди. Намангандаги 22-ав-томобиль корхонасининг пу-драт усулида ишловчи авто-мобилчилар бригадаси бош-лиги Каримбой Абдураҳи-мов Меҳнат Шўҳрат орден-ларининг тўла нисшондори бўлди. Шунда у қисқагина таржиман ҳолияни ҳаёлидан ўтказди.

...1962 йил. Ҳўзирги иш-лаб турган корхонасига қа-дам қўйди. Ушандан бун-дан қанча воқеалар юз берди. У шўҳрат қидирмади, шўҳ-рат Каримбойни излади. Тўғ-ригинчи, унингчи, ўн биринчи беш йилликларнинг зарбдо-ри бўлди. «Ўзбекистон ССР-да ҳизмат кўрсатган автомо-биль транспорти ходими» деган унвон билан тақдир-ланди. 1970 йилдан бун-дан област автомобиль трети «Хўрмат тахтаси»дан сурати тушмапти.

Область коммунистлари унга бир неча бор юксак ишонч билдирдилар. Ўзбе-кистон Компартияси XX съезди ва КПСС XXVII съезди делегати бўлди.

К. Абдураҳимов бошқа-раганга автопоезднинг қў-риниши ўзгачар. Уч при-цепдан ташкил топган. Узун-лиги 21 метр. Ҳар рейсда 28 тоннагача юк ташийш мумкин. Автопоездни қўри-дан ўтказиб бўлгач, уни суҳбатга тортиди. Меҳнатга ижодий муносабат — Ка-римбой ому-этиборини ошираётган биринчи оми.

Мактабда ўқиб юрган чо-ғидаёқ машина ҳаёдашини ҳавас қилди. ДОСААФ мак-табидеги машина ҳаёдашини дастлабқи малакаларини ҳо-сил қилди. Мактабни тамом-лагач, иккинчи класс маши-на ҳаёдовчиси гувоҳномаси-ни олди. Сўнграқ биринчи класс шофери бўлиб етишди. У ўз маҳоратини тинмай та-комиллаштираверди. Қўқон автомобил йўллари техни-кумининг сирти бўлимига ўқишга кирди ва техникум-ни муваффақиятли тугалла-ди. Шунда ҳам ўз касби-нинг иқир-чиқларини син-чиқлаб ўрганишда давом этди. Юксак малакали шо-фер бўла туриб, ремонт иш-ларига тегишли слесарлик, электрчилик, дурадгорлик касбларини эғаллаб олди.

Автокорхона инженер-техник ходимларининг ақин-дан кўрсатган амалий ёр-дамлари тугайли областда биринчилардан бўлиб уч-принципи оғир юк тарта ола-диган автопоездни ускуна-лади. Шу машинани ускуна-лаш жараёнида шофернинг яна бир ҳислати кўзга аққол ташланди. Ҳамкасбларидан илгариллаб кетишга иштиёқи, узоқни кўра бишлии, юк та-шиш жараёнларини тако-миллаштириш ҳақида ўйлаш фасилатлари билан анча ол-ға қадам ташлади.

Бугунги кунда бир ва ик-ки принципл автопоездлар автомобил транспортида ян-гилик эмас. Улар тармок-


нинг ўидагина 6 мингдан ортиқ. Лекин К. Абдураҳи-мов қайта ускуналаган авто-поезд бир сўз билан ай-тганда ижодкорлик натижаси-дир. Бундай машинани уску-налаш ва ҳаётга табиқ қи-лиш борасида қатор кон-структорлик-технология ма-саладарини ҳал қилишга тў-ғри келди. Жўмладан, авто-мобилнинг заводда яратил-ган рамаси кўп юк кўтара олмастлиги маълум эди. Уни мустаҳкамлаш, кўпроқ юк кўтара оладиган даражага етказиш талаб қилинди. Ор-қа рессорини ҳам такомил-лаштириш зарур бўлди. «ЗИЛ-ММЗ-555» двигатели қувватини ошириш учун ижодкор ҳайдовчи «Урал» моторидан фойдаланди ва ҳаракатланувчи деталла-рининг бир қисмини «Колхид» дан олди.

Кўп юк ортган автопоезд бугунги кунда автомобил-трассаларида қатнаб туриб-ди. Бунга ўрганиб қолди. Лекин шу машиналарнинг

— Партия XXVII съездининг жадаллаштириш, қайта қуриш соҳасидеги кўрсатмаларини ҳаётга кенг табиқ етказмоқдими. Шу ўринда икки рақамни қиёс-лаш ўринли. Министрлик республика автомобил парк-ида юк ташийдиган машина-ларнинг 18 процентига эга бўлган ҳўлда, республика халқ хўжалиги юкларининг 30 процентидан кўпроғи ташийб бе-рилмоқда. Тармокдаги машиналар билан уқумий пассажирлар-нинг 97 проценти манзилларга етказилмоқда.

Наманганлик илгор транспортчи Каримбой Абдураҳимов тармок ходимлари мусобақасида ҳақли равишда пешқада-лик қилаётган экан, бунда унинг муваффақиятларига пу-драт усулида ишлаш, янгиликларни ишлаб чиқариш жорий қилишдаги дадиллиги ёрдам бераптир. Бун алоҳида таъ-кидлаш зарур. Шундай ташаббускор ва ишчан автомобиль-лар юк ташийш тобора жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Тўлганган яхши тажрибалар такомиллаштирил-моқда, илгорларнинг тажрибалари кенг оммалаштириляпти. Шунинг учун ҳам юксак марраларни эғаллаш йўлида авто-мобилчилар фаолият кўрсатаётирлар.

Ҳўзир тармок ходимлари мусобақасида янги ҳаракат юза-га келди. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнатташларига Мурожаатномасига жаован, корхоналари-миздаги 6 минг ҳайдовчи Улўр Октябр 70 йиллигига беш



Суратда: ташаббускор автомобилчи Каримбой Абдура-ҳимов. П. СИНЯШИН фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРИ О. А. АЗИМБЕКОВ ШАРҲИ:

Йиллик 2 йил планини бажариш юзасидан зиммасига оши-рилган мажбурият қабул қилди.

Тармок ходимлари юк ва пассажирлар таший ҳажимини ошириб боришдан ташқари, иттифоқдош республикаларга қардошлик ёрдаминин тобора қуяётирмоқдалар. 1000 дан ортиқ машина ҳайдовчи Қозоғистон ССРининг Кўстанай обла-стидаги 59 та совхозда галла ташийида ёрдам кўрсатди. Қис-қа вақт кичик улар 570 минг тоннадан ортиқ галла таший бердилар.

Пахта ва уруғлик чигит ташийида ҳўзир 2200 дан ортиқ ав-томобиль ва 2700 ҳайдовчи иштирок этмоқда. Улар 3 милли-он 600 минг тонна пахта, 2 миллион тонна чигит ва 800 минг тонна тола таший беришларни керак. Транспортчиларнинг со-циалистик мусобақаси ҳар ўн кунда ақунавиб бормоқда. Қўлиларга кўйма Қирил байроқлар ва аммипеллар тақдир қилиляпти. Автомобилчилар байрам арафасида Жижзах об-ласть автомобил трестининг 21, 28-ҳамда Сирдарё трести-нинг 10, 52-автокорхоналари мукофотли ўринларни эғалла-дилар.

Пландар тигиз, вазибалар мураккаб. Ҳали ишимизда ўн-лаб олинмиш зарур бўлган қатор ижтihatлар бор. Юк ташийида, туб бурлиқш ясашимиз керак. Тўққиз ойлик юк таший пла-ни 82,4 процент бажарилди. 51,4 миллион тонна халқ хў-жалиги юклари кам таший берилди. Бу хали ишлаб чиқа-

риш самарадорлигини оширишда резервлардан тўла фой-даланилганлигини кўрсатади. Тошкент шаҳар марказлаш-тирилган тартибда юк таший трести ишда қайта қуриш се-кин борапти. Жижзах, Андижон, Наманг, Бўхоро областла-рида ҳам аҳвол мураккаблгича қолмоқда. Қашқадарё, Қо-рақалпоғистон АССР автомобил трестларида қоқоқлики бартараф қилиш учун хали кўп ишлар қилиниши лозим.

Қайта қуришни корхоналарда сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашдан бошлади. Нохўш аҳволларга барҳам беришга алоҳида эътибор қилинмоқда. Автомобил корхоналари мо-дий-техника базасини мустаҳкамлаш қаратилган чоралар қўрилмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, фан-техника тараққиётини авжлатириш қайта қуришнинг муҳим талабларидан бири, бусиз жадаллаштириш марраларини эғал-лаш қийин.

Раҳбар кадрларни ишда синаб қўриш ва жойлаштириш то-бора такомиллаштирилмоқда. Кадрларнинг, мутахассслар-нинг ишчанлик сифатларига кўпроқ аҳамият бериляпти. Иш-чиларнинг малакасини оширишга оид тадбирлар қўрилмоқ-да. Қоқоқ участкаларга 212 нафар пухта тайёрланган кадр ишга юборилди.

Қисқаси, аҳволни яхшилаш, илгорлар тажрибасини кенг аийш — ҳўзирги долзарб ишимиз.

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

24 октябр к

